



ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

6

2017

№6
6/2017

Илмий журнал
Научный журнал
Scientific magazine

ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

Муассис:

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети

Таҳрир кенгаши раиси:

Ходиев Баходир Юнусович – и.ф.д., профессор

Таҳрир кенгаши

Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич – и. ф. д., профессор
Ахмедов Дурбек Кудратиллаевич – и. ф. д., профессор
Бегалов Баходир Абдусаломович – и. ф. д., профессор
Бекмуродов Адхам Шарипович – и. ф. д., профессор
Болтабаев Махмуджон Рустамович – и. ф. д., профессор
Набиев Дилмурод Хамидуллаевич – и. ф. д., профессор
Содиқов Авазбек Мадаминович – и. ф. д., профессор
Бегимкулов Узокбой Шоимкулович – п. ф. д., профессор
Ғайибназаров Баходир Каримович – и. ф. д., профессор
Ражаббаев Шароф Рахимбердиевич - и.ф.н., доцент

Таҳрир хайъати

Беркинов Бозорбой – и.ф.д., профессор
Йўлдошев Нуриддин Курбонович – и.ф.д., профессор
Нишанбай Сиражиддинов – и.ф.д., профессор
Рашидов Оқтам Юнусович – и.ф.д., профессор
Тошматов Шухрат Амонович – и.ф.д., профессор
Умурзаков Баходир Хамидович – и.ф.д., профессор
Усманов Анвар Саидмахмудович – и.ф.д., профессор
Эргашходжаева Шахноза Джасуровна – и.ф.д., профессор
Ғофуров Убайдулла Вахобович – и.ф.д., доцент
Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич – и.ф.д., доцент
Насретдинова Шахноза Саидакмаловна – ф.-м. ф. н., доцент
Урманов Низамиддин Тулаганович – и.ф.н., доцент
Ҳакимов Рашид Хамдамович – и.ф.н., доцент
Ташматов Рустам Хусанович – и.ф.н., доцент

ISSN 2010-6130

№6
06/2017

Илмий журнал
Научный журнал
Scientific magazine

Бош муҳаррир:

Абдувалиев А. А. - и.ф.н.

Адабий муҳаррир:

Караев М.Ю.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Рустамов Б.М.

Мусахҳиҳ:

Караев М.Ю.

Масъул котиб:

Турсунов М.Б.

Техник муҳаррир ва саҳифаловчи:

Турсунов М.Б.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси томонидан иқтисодий фанлар йўналиши бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари асосида ёзиладиган илмий мақолаларни нашр этишга тавсия этилган оммавий ахборот воситалари жумласига киритилган

Журнал саҳифаларида чоп этилган материаллардан фойдаланилганда "Иқтисодиёт ва таълим" илмий журналичан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган. Мақолада келтирилган далиллар ва маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Веб-сайт манзили: www.economedu.uz

E-mail: economedu@cedr.uz

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 02-0041-сон билан рўйхатга олинган.

Жалилов Ш.Қ. Ўзбекистонда ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортишнинг илғор хорижий тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари..	74
---	----

Умарова М.А. Иқтисодиётда кадрларга бўлган эҳтиёжларни прогноз қилиш бора-сидаги ақш тажрибаси.....	77
---	----

Ғаниев Ш.В. Бухгалтерия ҳисоби фанини ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар.....	81
--	----

ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ОТРАСЛЕВАЯ ЭКОНОМИКА

Суннатов М.Н. Интеллектуал мулк натижаларини рағбатлантиришнинг институ-ционал механизми.....	86
---	----

Хусанов М.С. Замонавий иқтисодиётда хизматлар соҳасини роли ва аҳамияти....	93
---	----

Бердиев С.Р. Озиқ-овқат саноатини ривожланишида органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг аҳамияти.....	96
---	----

Дусматов Б.О. Ўзбекистон Республикаси агросаноат ишлаб чиқариши рақобатбардошлигини оширишнинг кластерли механизми.....	100
---	-----

Мурадов Б.А. Чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатини ривож-лантириш омиллари	105
---	-----

МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ ЭКОНОМИКА ТРУДА

Умурзаков Б.Х., Юлдашев Н.Н. Меҳнат ресурслари баланслашганлигини ўрганишнинг илмий-на-зарий асослари ва хориж тажрибаси.....	108
---	-----

Шоюсупова Н.Т., Абдураманов Х.Х. Ўзбекистонда ишсизларни касб-хунарга тайёрлаш тизимини тако-миллаштириш.....	117
---	-----

Атаниязова М.Б. Миллий меҳнат бозорини тартибга солишни такомиллаштириш..	121
---	-----

Улугмурадова Н.Б. Кичик бизнесда меҳнат муносабатлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари.....	125
--	-----

САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ ЭКОНОМИКА ПРОМЫШЛЕННОСТЬ

Хужакулов Х.Д., Сайфуллаев С.Н. Ўзбекистон саноати тармоғининг таркибий ўзгаришларини халқаро таснифлаш асосида статистик ўрганиш.....	129
--	-----

Ботиров О.Б. Факторы конкурентного преимущества и методы оценки конку-рентоспособности предприятий.....	135
---	-----

ЛОГИСТИКА ВА КОММУНИКАЦИЯ ЛОГИСТИКА И КОММУНИКАЦИЯ

Маматқулов М., Мухторова Н. Сотиш (тақсимлаш) жараёнлари логистикасини бошқариш мето-дологияси.....	141
---	-----

САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ ЭКОНОМИКА ПРОМЫШЛЕННОСТЬ

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ ТАРМОҒИНИНГ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРИНИ ХАЛҚАРО ТАСНИФЛАШ АСОСИДА СТАТИСТИК ЎРГАНИШ

Хужакулов Хаитмурат Джавлиевич

И.ф.н., фахрий профессор Тошкент молия институти

Сайфуллаев Сиддик Носирович

Катта ўқитувчиси, Тошкент молия институти

Аннотация. Мақолада иқтисодий тараққиётни таъминлашда саноатнинг ўрни ва роли, халқаро таснифлашлар асосида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши ва динамикаси таҳлил қилинган, шунингдек саноат тармоғини янада стратегик ривожлантириш йўналишлари қайд этилган.

Таянч тушунчалар: саноат, маҳсулот, тармоқ, ЯИМ, ишлаб чиқариш, таркибий силжишлари, тармоқлар улуши, ўзгариш суръатлари.

Аннотация. В статье проанализированы место и роль промышленности в обеспечении экономического развития, доля отраслей в производстве промышленной продукции и их динамика на основе международных классификаций, а также изложены направления дальнейшего стратегического развития отрасли промышленности.

Ключевые слова: промышленность, продукция, отрасль, ВВП, производство, структурные сдвиги, доля отраслей, темпы изменений.

Ўзбекистон Республикаси статистикаси амалиётида саноатнинг тармоқ тузилиши 2016 йилга қадар Халқ хўжалиги тармоқларининг умумдават Таснифлагичи (ХХТУТ) асосида йирик гуруҳлар бўйича тақдим этилган. 2016 йилдан халқаро андозаларга мос келувчи иқтисодий фаолият турлари умумдават таснифлагичи (ИФУТ) га ўтилди. ИФУТда фаолият турларини гуруҳлаштириш якуний маҳсулотлар, ишлаб чиқариш омиллари ва жараёнларининг бир хиллигидан келиб чиқиб амалга оширилади, яъни бир хўжалик субъекти турли синфларга ва ҳатто секцияларга тааллуқли фаолиятни амалга ошириши мумкин (масалан, ХХТУТнинг «қора металлургия» тармоғи фаолияти ИФУТнинг 3 та секциясида гуруҳланади: В секция «тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш», С секция «ишлаб чиқариш саноати», Е секция «сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш»).

Фаолият турлари ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига бўлинмайди, мулкчилик шаклларидаги фарқлар ҳисобга

олинмайди. Янги замонавий товарлар, хизматлар ва технологияларнинг максимал ҳисобга олинишини, шунингдек уларни янада тўлиқроқ, бир хил ва батафсил фаолият тоифаларига, шу жумладан кодлар даражасида «Асосий маҳсулотлар (товар ва хизматлар) классификациялари» ва ТИФ ТНлари билан ўзаро боғланиши ҳисобига гуруҳланишини таъминлайди. [1].

Республикамизда ИФУТ янги структураси бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар ва тармоқлар улуши 1-жадвалда келтирилган маълумотлар билан тавсифланади. Жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, республикамизда 2010 йилда жами саноат маҳсулотининг 15,0 фоизи тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш (В)да яратилган бўлса, 73,8 фоизи қайта ишлаш саноати (С)га тўғри келган, 2016 йилга эса бу кўрсаткичлар тегишли равишда 9,6 ва 80,3 фоизни ташкил этган, яъни 2010 йилга нисбатан 5,4 банд фоизга пасайган ва 6,5 банд фоизга ошган.

Таркибий ўзгартириш, маҳаллий минерал-хомашё ресурсларини янада чуқур

1-жадвал

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар ва тармоқлар улуши

Йириклаштирилган секциялар бўйича саноат тармоқлари ва уларнинг рақамлари	Йиллар						
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми (В, С, Д, Е) - жами, млрд.сўм	38119,0	47587,1	57552,5	70634,8	84011,6	97598,2	111869,4
Шу жумладан жамига нисбатан, фоизда:							
В. Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	15,0	12,7	14,7	12,7	11,0	11,1	9,6
ундан:							
кўмир, лигнит, нефть ва табиий газ қазиб олиш (5+6)	10,7	8,6	10,8	9,0	7,1	7,2	5,5
металл рудаларини қазиб олиш (7)	3,6	3,4	3,3	3,1	3,2	3,2	3,2
тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият (8+9)	0,7	0,7	0,6	0,6	0,7	0,7	0,9
С. Қайта ишлаш саноати	73,8	77,2	75,8	78,4	79,9	79,0	80,3
ундан:							
озик-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш (10+11+12)	17,9	18,9	18,3	19,4	20,4	22,4	23,9
тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш (13+14+15)	14,4	16,1	15,3	14,7	15,1	16,0	16,7
машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш (25+26+27+28+29+30+32+33)	15,7	15,2	16,7	17,6	17,5	14,7	10,8
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш (20+22)	6,6	7,2	6,6	6,7	6,9	7,0	8,9
металлургия саноати (24)	8,1	7,8	7,5	7,4	7,6	7,3	7,2
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш (23)	4,3	4,8	5,1	6,1	5,7	5,0	5,7
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш (19)	4,7	5,0	3,9	3,5	3,6	3,2	2,6
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ва мебел ишлаб чиқариш (16+17+31)	0,9	1,1	1,2	1,7	1,9	2,0	2,6
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш (18)	0,5	0,5	0,6	0,6	0,6	0,6	0,8
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш (21)	0,5	0,6	0,6	0,6	0,6	0,8	1,1
Д. Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	10,7	9,5	9,0	8,4	8,5	9,2	9,4
Е. Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	0,5	0,6	0,5	0,5	0,6	0,7	0,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган

қайта ишлаш асосида ишлаб чиқариш ҳамда етакчи тармоқларни фаол диверсификация ва модернизация қилишни амалга оширувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши туфайли, саноат (қурилиш билан бирга) ўсиш суръати 2016 йилда 106,6 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, унинг ЯИМ таркибидаги улуши деярли 33 фоизга етди.

Маҳаллий хом-ашё ресурсларини қайта ишлаш даражасини босқичма-босқич чуқурлаштириб бораётган ҳамда тайёр истеъмол маҳсулотлари турларини кенгайтиришни таъминланаётган соҳаларда, энг аввало асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини (140,3%), ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ва мебел ишлаб чиқариш (136,3), кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари (134,7%) ишлаб чиқарадиган саноат соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажми энг юқори суръатлар билан ўсди [3].

Саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида истеъмол товарлари улуши 42,6 фоизгача ўсиб, бу маҳсулотларнинг кўп тури, жумладан тўқимачилик, электротехника, озиқ-овқат, фармацевтика маҳсулотлари ва қурилиш материаллари бўйича импортга қарамлиликни қисқартириш имконини берди.

Худудларни комплекс ривожлантириш дастурлари доирасида 6 мингдан зиёд янги ишлаб чиқариш қувватларини амалга оширилиши, натижасида, худудлар бўйсунувидаги корхоналар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йилга нисбатан сезиларли (115,3%) ўсди.

Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари, шунингдек, 2015-2019 йилларда иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши натижасида 2015 йилга нисбатан республика ЯИМи энергия сифимини 7,4 фоизга ва йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини ўртача 10,6% камайтиришга эришилди.

Саноат маҳсулотлари ҳажми ўсишининг асосий омиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади [2]:

- 320 дан зиёд йирик саноат объектларида ва 2015-2016 йилларда фойдаланишга топширилган 12 мингдан зиёд худудий корхоналарда янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширилиши. 2016 йилда умумий қиймати 5,2 млрд.доллар бўлган 164 та йи-

рик ишлаб чиқариш объекти ташкил этилди. Шу жумладан, Талимаржон ИЭСда 450 МВт қувватли иккита буг-газ турбинаси ва Ангрен ИЭСда кўмир кукунидан фойдаланишга мўлжалланган 150 МВт қувватли энергия блоки қурилиши тугалланди, Жиззах вилоятидаги цемент заводининг қуввати кенгайтирилди, «Индорама Кўқон текстиль» ХК МЧЖда йигирувни ташкил этилди, «ЖМ Ўзбекистон» АЖда «Т-250» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ва «Сирдарё вилоятидаги «Guliston Med Texnika» қўшма корхонасида стерил шприцлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди;

- ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва тайёр истеъмол товарлари турини кенгайтириш мақсадида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг технологик ускуналар харид қилиши ҳамда айланма капиталини кўпайтириши учун тижорат банклари 6 трлн. сўмлик кредит маблағлари ажратди. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш соҳасида 100 дан зиёд қандолатчилик, мева-сабзавот ва гўшт-сут консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди;

- локализация маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш. 2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар томонидан 80 дан зиёд янги турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Умуман олганда, 2016 йилда маҳаллийлаштириш дастури доирасида қиймати 6145,8 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва 2015 йилга нисбатан ўсиш 1,5 баробарни, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 2,1 млрд. долларни ташкил қилди.

2016 йилда саноат ўсиш суръатининг 88 фоиздан зиёди ишлаб чиқариш саноати, шу жумладан озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш (умумий ўсишнинг 40,3 фоизи), тўқимачилик, кийим ва тери маҳсулотлари ишлаб чиқариш (31,2%), кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш (35,1%) ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш, ўрнатиш ҳамда автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим тиркамаларни ишлаб чиқариш соҳалари салбий таъсир этиб, ҳиссаси минус 39,8 фоизни ташкил этди. Бу асосан автомобил саноати ишлаб чиқариш суръатининг кескин пасайиши ҳисобига рўй берди.

Ишлаб чиқариш тармоқларининг уму-

**Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари
(2010 йилга нисбатан, %)**

2-жадвал

Ҳужакулов Хашммурад Джавалиевич
Сайфиллаев Сиддик Носирович

Йириклаштирилган секциялар бўйича саноат тармоқлари ва уларнинг рақамлари	Йиллар					
	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми (В, С, Д, Е) - жами	106,5	114,8	125,7	136,1	146,9	156,0
Шу жумладан:						
В. Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	100,8	111,1	110,5	111,9	119,8	121,0
ундан:						
кўмир, лигнит, нефть ва табиий газ қазиб олиш (5+6)	101,1	115,0	113,6	110,2	119,2	122,0
металл рудаларини қазиб олиш (7)	96,9	99,0	100,3	107,4	110,0	111,7
тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият (8+9)	120,2	119,1	118,8	144,9	168,4	162,7
С. Қайта ишлаш саноати	108,8	118,0	132,3	144,8	156,5	166,5
ундан:						
озик-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш (10+11+12)	112,6	120,4	132,6	147,4	173,0	191,9
тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш (13+14+15)	104,9	113,2	124,2	133,0	154,2	168,7
машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш (25+26+27+28+29+30+32+33)	113,5	132,7	164,8	185,9	175,7	134,9
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш (20+22)	110,0	116,0	122,9	129,9	139,3	187,6
металлургия саноати (24)	101,1	104,7	106,9	116,1	119,4	121,3
бошқа нometалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш (23)	113,4	129,0	149,1	160,2	169,8	205,3
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш (19)	101,3	95,8	99,6	99,5	92,7	90,0
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ва мебел ишлаб чиқариш (16+17+31)	115,6	130,5	159,9	195,2	235,0	320,3
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш (18)	106,8	136,9	148,4	163,1	191,2	229,0
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш (21)	122,3	149,2	176,5	208,6	272,7	382,6
Д. Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	99,0	97,8	100,2	106,3	114,0	125,2
Е. Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	86,9	93,9	101,5	137,1	147,8	166,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган

мий саноат ҳажмидаги улуши 2015 йилдаги 79 фоиздан 2016 йилда 80,3 фоизгача ўсди. Бу эса озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тўқимачилик буюмлари, кийим ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш каби соҳалар жадал ўсиши ҳисобига таъминланди. [3]

Мамлакатда саноат тармоғини ривожлантириш, модернизация қилиш ва диверсификациялаш дастурларини кенг миқёсда амалга оширилиши натижасида 2016 йилда 2010 йилга нисбатан саноат маҳсулотлари ҳажми қарийб 1,6 мартага кўпайиб, ўртача йиллик қўшимча ўсиш суръатлари 7,7 фоизни ташкил қилди. Айрим саноат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқариш суръатларининг ўсишини 2010 йил даражасига таққослайдиган бўлсак, 2016 йилда

бу кўрсаткичлар бир неча марта ўсганини кўришимиз мумкин (2-жадвал). Жадвалдан кўринадикки, ушбу ўсишни таъминлашда, айниқса, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқаришнинг 3,8 мартадан зиёд, ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ва мебел ишлаб чиқаришнинг 3,2 марта, бошқа нometалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг 2,0 мартадан ортиқ, тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолиятнинг 1,9 баробар ўсиши сезиларли таъсир кўрсатди.

Натижада аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотларининг ҳажми 2016 йил баҳоларида 2010 йилда 2510,5 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 3512,6 минг сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати қарийб 1,4 баробарга ошди (3-жадвал).

3-жадвал

Республикада аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми
динамикаси

Йиллар	Саноат маҳсулоти ҳажми, 2016 йил баҳосида, млрд.сўм	Ўзгариш суръати, 2010 йилга нисбатан, %	Аҳоли жон бошига	
			минг сўм	2010 йилга нисбатан, %
2010	71705,5	100,0	2510,5	100,0
2011	76366,4	106,5	2602,9	103,7
2012	82323,0	114,8	2764,9	110,1
2013	90143,7	125,7	2980,6	118,7
2014	97625,6	136,1	3174,0	126,4
2015	105338,0	146,9	3365,5	134,1
2016	111869,4	156,0	3512,6	139,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган

Саноатда (қурилиш билан бирга) қўшилган қиймат ҳажми ўтган йилга нисбатан 2015 йилда 107,8 фоизни, 2016 йилда эса 106,6 фоизни (секинлашиш 1,2%) ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан 114,9 фоизга тенг бўлган. Бундай ўсиш суръати ҳолатини қониқарли деб бўлмайди.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш вазифалари илгари сурилган.

Республикада саноат тармоғини янада

такмиллаштириш учун, аввало, қуйидаги йўналишлардаги стратегик вазифаларни амалга ошириш зарур:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш;
- бугунги кунда тўхтаб турган ишлаб чиқариш қувватларини тиклаш;
- корхоналарнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш даражасини ошириш;
- маънавий ва жисмоний эскирган асбоб-ускуналарда сифатсиз ва "омбор учун" маҳсулотлар ишлаб чиқаришни олдини олиш мақсадида янги моддий-техника базасини барпо этиш;
- янги ташкил этилаётган корхоналар фаолияти учун қулай шароитлар яратиш;
- саноат тармоғи ривожланишида кичик корхоналар сонини янада кўпайтириш ва уларни ташкил этиш чора-тадбирларини

рағбатлантириш.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда саноат корхоналарига, шу жумладан, кичик саноат корхоналарига берилаётган эътибор турли дастурларда ўз аксини топмоқда. Бу бо-

радаги стратегик вазифаларни янада жадаллаштириш эса миллий иқтисодиётимизнинг бундан кейинги даврларда ҳам барқарор ўсиш суръатларини таъминлаб беради.

Манба ва адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сонли "Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори;
2. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетени 2016 йил январь-декабрь. Т.: Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2017;
3. Ўзбекистон рақамларда. Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2017.